

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХОЛИКОВА АДЛИЯ ОМОНУЛЛАЕВНА

**СОМАТОТРОПИНОМАЛАР: КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ, АСОРАТЛАРИНИНГ УЧРАШ ДАРАЖАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА ДАВОЛАШ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Холикова Адлия Омонуллаевна

Соматотропиномалар: клиник-эпидемиологик жиҳатлари, асоратларнинг учраш даражаси, Ўзбекистон Республикаси бўйича даволаш самарадорлигини баҳолаш..... 3

Холикова Адлия Омонуллаевна

Соматотропиномы: клинко-эпидемиологические аспекты, частота осложнений, оценка эффективности лечения по Республике Узбекистан..... 27

Kholikova Adlia Omonullaevna

Somatotropinomas: clinical and epidemiological aspects, the frequency of complications, assessment of the effectiveness of treatment in the Republic of Uzbekistan..... 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХОЛИКОВА АДЛИЯ ОМОНУЛЛАЕВНА

**СОМАТОТРОПИНОМАЛАР: КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ, АСОРАТЛАРИНИНГ УЧРАШ ДАРАЖАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА ДАВОЛАШ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Tib 388 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси академик Я.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Халимова Замира Юсуфовна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Шагазатова Барно Хабибуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Акбаров Зоирхужа Собирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Махкамов Козим Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**А.И.Евдокимов номли Москва давлат тиббиёт
- стоматология Университети**

Диссертацияси ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг «_____» _____ 2019 й. соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, г. Тошкент, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

С.И. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг актуаллиги ва долзарблиги. Акромегалия – гипофиз безидан ўсиш гормони (ЎГ) гиперсекрецияси ва инсулинга ўхшаш ўсиш омил-1 (ИЎЎО-1) миқдорининг ортиши натижасида организмда турли асоратлар ривожланиши ва юқори ўлим кўрсаткичи билан кечувчи оғир нейроэндокрин касаллик бўлиб, касалликнинг доимий адекват биокимёвий назорати организм фаолиятининг тикланиши билан бир вақтда бемор умрининг узайишига олиб келади. Акромегалиянинг тарқалиши 100000 аҳолига 3,8 дан 6,9 гача ҳолатни, бирламчи касалланиш 100000 аҳолига 0,28-0,4 оралиғини ташкил этишини кўрсатди¹. Акромегалиянинг нисбатан кам тарқалганлиги ва секин ривожланиши сабабли ташхислаш қийинлиги, скрининг текширувлар йўқлиги касалликда самарали ва рационал давони аниқлаш учун проспектив клиник таққослаш усуллари олиб боришни бироз қийинлаштиради. Шу сабабли ҳолатни критик баҳолашда, регионар ва популяцион ўзига хосликни аниқлаш ва унинг маҳаллий ечими, асосийси касалликнинг асоратларини олдини олиш чора-тадбирлари, эрта ташхислаш, ҳамда даволашнинг самарали усуллари аниқлашда акромегалия билан оғриган беморларнинг миллий ва минтақавий регистр дастурини тузиш актуал ҳисобланади.

Жаҳонда акромегалия эпидемиологияси, эрта ташхислаш, даволаш ва касаллик асоратларининг мониторинги самарадорлигига эришиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда касалликнинг асоратланган шакллари учрашининг ошиши, акромегалияда ўлим кўрсаткичининг юқорилигига олиб келмоқда ва бу нейроэндокринология олдида турган муаммолардан бири ҳисобланади. Акромегалияда беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши ва касалликдан ўлим кўрсаткичининг камайиши асоратлар турига ва оғирлик даражасига ҳамда хавф омилларига боғлиқ бўлиб, асоратларга таъсир қилувчи омиллар касаллик намоён бўлиши ва кечишини оғирлаштиради. Шу сабабли касаллик асоратлари учрашини ва уларга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, эндокринологик касалликларни камайтириш борасида қатор вазифалар юклатилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...хасталанган беморларга ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бирламчи тиббий ёрдам муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш...»²га, ижтимоий ва тиббий хизмат сифатини яхшилашга алоҳида аҳамият берилган,

¹ Colao A, Grasso L, Giustina A, Melmed S, Chanson P. Nat Rev Dis Primers. Acromegaly. 2019

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

умумий касалланишни, шу жумладан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва касалланган ҳолатда давлат ҳимоясига муҳтож бўлувчи эндокрин касалликлардан акромегалия билан касалланишни камайтиришга алоҳида эътибор берилган. Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки акромегалияда кўплаб ҳаёт учун муҳим аъзоларнинг прогрессив шикастланиши ҳисобига юқори ўлим ва ногиронлик кўрсаткичи билан кечади ҳамда текширув ва даво муолажаларига катта миқдордаги харажатни талаб қилади, бу ўз навбатида беморларга юқори квалификациян тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятининг чегараланишига олиб келади. Юқорида келтирилганлар акромегалияда клиник-эпидемиологик текширув усулларининг актуал ва муҳимлиги билан бир вақтда Ўзбекистон Республикасида бундай беморларни динамик кузатувда, турли асоратлар учрашини аниқлашда ўсмани иммуноцитокимёвий ўрганиш усулининг муҳимлигини кўрсатади. Акромегалиядан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотлар доимий равишда касаллик назоратини олиб бориш орқали даво самарадорлигини баҳолаш сарфланадиган харажатларни камайтириш билан бир вақтда бемор ҳаёт сифатини яхшилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Акромегалия тарқалишини аниқлаш, асоратлар ривожланишини, ташхислаш ва даволаш усулларини баҳолашга қаратилган илмий изланишлар дунёнинг турли марказларида олиб борилган. Қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: Department of Internal Medicine/Endocrine Section, University of Brescia, (Брешия, Италия); Veterans Affairs Medical Center (Мичиган, АҚШ); Endocrine Section, Department of Medicine, Santiago de Compostela University (Сантьяго, Испания); Division of Endocrinology and Metabolism, Ospedale San Luca, University of Milan (Милан, Италия); Department of Medicine, University of Illinois at Chicago (Чикаго, АҚШ); Department of Endocrinology, Garvan

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.iso.nbu.edu.cn; www.english.tau.ac.il; www.istanbulbilim.edu.tr; www.massachusetts.edu; www.mahidol.ac.th; www.english.tau.ac.il; www.marshall.edu; www.nih.gov; www.usp.br; www.uhn.ca; www.unc.edu; www.uh.edu; www.niddk.nih.gov; www.wisc.edu; www.jcu.cz; www.meduniwien.ac.at/web/; www.usp.br; www.endocrincentr.ru/; med.uz/endocrinology ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди

Institute of Medical Research, St. Vincents Hospital (Сидней, Австралия); Department of Medicine, Schlosspark Klinik (Берлин, Германия); and Cedars-Sinai Research Institute, University of California–Los Angeles School of Medicine (Лос-Анджелес, Калифорния); Neuroendocrine Unit, Massachusetts General Hospital and Harvard Medical School (Бостон, АҚШ); Universite Paris Sud, (Орсе, Франция); Department of Endocrinology, Oxford Centre of Diabetes, Endocrinology & Metabolism, Churchill Hospital, Department of Endocrinology, Radcliffe Infirmary (Оксфорд, Буюк Британия) ва Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Акромегалия билан оғриган бемор ҳаёт сифатини ўрганиш, касаллик асоратларини эрта ташхислаш ва даволаш юзасидан қатор изланишлар олиб борилган: жумладан акромегалияни ташхислаш, жаррохлик ва консерватив даводаги муаммоларини ёндош касалликларга таъсири исботланган (Неврология институти, Огайо штати, АҚШ); акромегалия беморларида юрак қон томир асоратларини ташхислаш ва даволаш такомиллаштирилган (Миллий Университет, Испания; Федерико II Университети, Италия); акромегалияли беморларда қандли диабет ва глюкозага толерантлик бузилиши учраши ва ривожланишининг хавф омилларини очиқ берилган (Шарите тиббиёт Университети, Германия); акромегалия беморларда касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари аниқланган (Милан Университети, Италия); гендер ва ёшга нисбатан акромелияда эндокрин тизим кўрсаткичлари ишлаб чиқилган (Рио-де-Жанейро Федерал университети, Бразилия); акромегалияда транссфеноидал хирургия натижалари аниқланган (Уэльс Университети, Буюк Британия); соматостатин аналогларини дозасини оширишнинг клиник самарадорлиги ва хавфсизлиги ўрганилган (Орегон Университети, АҚШ); акромегалия асоратларининг тарқалиши ва олиб борилган даво усулларини самарадорлиги баҳоланган (Серебру Паулу Нимейера номидаги институт, Эстония; Орегон Университети, АҚШ); акромегалияни эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторинг тизими яратилган (Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Дунёда акромегалия эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш, асоратларини аниқлаш ва даволаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда: акромегалия билан касалланган беморларни миллий регистрларини яратиш; касалликни асоратларини эрта ташхислаш ва мониторинг қилишнинг аҳамияти; касалликни даволашда комбинация усулларини баҳолаш; акромегалияни даволаш мезонлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; акромегалия асоратларининг ўлим кўрсаткичига таъсирини ўрганиш; иммуногистокимёвий маркёрларни соматотропиномалардаги аҳамиятини баҳолаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида, жумладан Швецияда (Tjörnstrand A., 2014),

Англияда (Fernandez A., 2010), Бельгияда (Daly A.F., 2006), Исландияда (Agustsson T.T., 2015), Финляндияда (Raappana A., 2010) касалликнинг тарқалишини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилган. Охирги йилларда акромегалия асоратларини ўрганиш касалликнинг асоратланган шаклларида ўлим кўрсаткичининг юқорилигини кўрсатди. Юрак-қон томир тизими асоратлари 80% беморларда кузатилиб, 50 % ҳолларда бемор ўлимнинг сабаби ҳисобланади (Holdaway I.M., 2004, Ritvonen E., 2015). 20-80 % беморларда уйқудаги апноэ кузатилиб, тунги хуррак отиш ва кундузги уйқучанликка сабаб бўлади (Weiss V., Pivonello R. 2017). Метаболик асоратлар, жумладан қандли диабет 16-56 % гача учрайди ва касаллик кечувида алоҳида аҳамиятга эга (Alexoroulou O., 2014, Melmed S., 2013). Олимлар томонидан акромегалия асоратларининг учраш даражаси, уларни ташхислаш ва даволашга қаратилган текширувлар олиб борилган. Жумладан, кардиоваскуляр асоратларни (Colao A., 2004), акромегалияда тунги апное ҳолатини (Davi' M.V., 2007), касалликни даволашда замонавий препаратлардан янги препарат-пегвисомантни қўллашни (Giustina A., 2015) ўрганишган. Шунингдек, соматотропиномаларда молекуляр аспектларининг аҳамиятини (Pinto E.M., 2008), Ki-67 маркерининг соматотропинома ривожланишида ўсма пролифератив фаоллигига таъсирини кўрсатиб беришган (Botelho C.H., 2006). Сўнги ўн йилликда жаҳоннинг қуйидаги мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистон (Холикова А.О., Халимова З.Ю., 2007), Россия (Молитвослова Н.Н., 2011), Испания (Mestron A., 2004), Бельгия (Вех М., 2007), Корея (Kwon O., 2013) давлатларида акромегалияли беморларнинг миллий регистри ташкил этилган бўлиб, бу беморларнинг иқтисодий шароити ва яшаш жойидан қатъий назар, уларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистонда нейроэндокрин ўсмаларни эрта ташхислаш ва юқори технологияли даволаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Гипофиз ва буйрак усти беги ўсмалари (Халимова З.Ю., 2000, 2017, 2018; Урманова Ю.М., 2015); гипофиз аденомасида хирургик даволаш йуллари (Махкамов К.Э., 2009, 2014); соматотропиномалар эпидемиологияси (Холикова А.О., 2007), кортикотропиномалар эпидемиологияси ва даволаш усуллари (Наримова Г.Д., 2018), гипофиз нофаол аденомасида оптимал даволаш усуллари (Холова Д.Ш., 2018) изланишларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Илмий адабиётлар маълумотлари ва тадқиқотлар таҳлилига кўра, акромегалия ва унинг асоратларини эрта аниқлаш, доимий мониторинг олиб бориш учун акромегалияли беморларнинг регистрини тузиш муҳим аҳамиятга эга. Акромегалияда асоратларининг келиб чиқиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллар, асоратларнинг оқибати бўйича кўплаб ечилмаган муаммолар мавжуд. Соматотроп ўсмаларнинг иммуногистокимёвий тавсифи, клиник-гормонал кўрсаткичларга асосан даволаш усуллари оптимал стратегияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, акромегалия ва унинг асоратлари ҳамда асоратлар ривожланишига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, мавжуд

ташхислаш ва даволаш усуллари баҳолаш, касаллик оқибатига таъсир килувчи сабабларни ўрганиш нейроэндокрин бузилишларда беморни оптимал олиб бориш имкониятини беради. Бу ўз навбатида, мазкур масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттириш заруриятини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТСС-13.2 рақамли «Ўзбекистон Республикасида қандли диабет, акромегалия, қандсиз диабетли беморларнинг миллий регистрини тузишга қаратилган қандли диабет макроангиопатия асоратининг клиник-эпидемиологик ўзига хослиги ва унинг бошқа гипотамо-гипофизар бузилишлар билан биргаликда келиши» (2008-2010й.) таълим грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади акромегалияда касаллик ва унинг асоратларининг клиник-эпидемиологик қирраларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси доирасида касалликни даволаш ва беморларни кузатиш ҳамда узоқ келажақда назорат олиб боришни мукамаллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида акромегалиянинг охириги 12 йилдаги клиник ва эпидемиологик ҳолатини баҳолаш; беморларнинг электрон базасини яратиш, асоратларни ўз вақтида аниқлаш, даво самарадорлиги мониторинги ва касаллик оқибатини баҳолаш;

акромегалияни даволаш усуллари самарадорлигини халқаро стандартларга таққослаган ҳолатда баҳолаш, Ўзбекистон Республикаси шароитида рационал комбинирланган даво усуллари танлаб олиш ва даволаш меъзонларини ишлаб чиқиш;

гиперсоматотропинемия давомийлиги, гендер ва ёшга боғлиқлигини ўрганиш ва акромегалияда асоратлар учраш даражасини баҳолаш, касалликнинг ёмон оқибат билан тугалланишининг олдини олиш мақсадида асоратлар ривожланишининг олдини олиш мониторинги йўл харитасини яратиш;

акромегалия асоратларининг ривожланишида нейрогормонал ўзгаришларнинг аҳамиятини юрак-қон томир асоратлари мисолида баҳолаш;

соматотроп аденома тўқимасидан Ki-67 маркерини иммуногистохимёвий усул ёрдамида аниқлаш ва уни касаллик оқибатиларига прогностик аҳамиятини баҳолаш;

асоратлар ривожланишининг олдини олиш ва даво тактикасини танлашга мақсадли рационал ёндашиш учун Ki-67 маркерини математик моделини яратиш.

Текширув объекти сифатида 1971–2018 йилларда Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида амбулатор ёки стационар даволанган, шунингдек вилоят эндокринология диспансерларида назоратда турувчи ва акромегалия регистр дастурига рўйхатга олинган 18 ёшдан 75 ёшгача бўлган 526 та беморнинг ҳар йилги мониторинг ва ретроспектив маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида акромегалия эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторингини олиб бориш мақсадида ўсиш гормони ва бошқа гормонларни даражасини баҳолаш учун вена қон томиридан олинган веноз қон. Иммуноцитокимёвий текширувларини ўтказиш учун беморлардан операция жараёнида олинган ўсма таркибидан наъмуна олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун функционал тестлар, клиник, биокимёвий, нейроофтальмологик, рентгенологик, визуализацион, иммуноцитохимик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Акромегалиянинг гендер, ёш бўйича ўзига хос кечуви ва замонавий ташхислаш ҳамда даволаш усулларининг қулайлиги ва адекватлиги исботланган ва акромегалияли беморларни самарали даволаш мониторинги, асоратларини эрта аниқлаш, уларнинг касаллик оқибатида туганган ўрнини баҳолаш мақсадида «Акромегалия беморларини регистри» базаси яратилган ва Ўзбекистонда гипофиз соматотроп аденомали беморларнинг эпидемиологик, клиник, гормонал, визуализацион, иммуногистокимёвий кўрсаткичлари 12 йил олдинги ҳолат билан таққослама комплекс анализ олиб борилган;

соғлиқни сақлаш тизимининг турли босқичларида акромегалияли беморларни ташхислаш, даволаш самарадорлигини яқин ва узоқ келажакдаги натижалари ва кузатишда қўлланиладиган рационал усуллари такомиллаштирилган;

акромегалия асоратларини мониторинги йўл харитаси яратилган ва бемор жинси ва ёши, гиперсоматотропинемия давомийлиги, касаллик ёмон тугашига олиб келувчи хавф омилларини ўрганиш ҳисобига республикада акромегалия асоратларининг учраши ва ўзига хос кечиши аниқланган;

илк бор республикада гипофиз соматотроп аденомасини иммуногистокимёвий усули билан касаллик оқибатининг прогностик омили ҳамда ўсманинг агрессив инвазив ўсишини кўрсатувчи Ki 67 маркери аниқланган;

акромегалияда ўсма қайта ривожланишининг олдини олиш ва даволашнинг турли усулларини тўғри танлашга имкон берувчи математик модел яратилган;

кўплаб мултифактор анализлар юрак қон томир асоратлари келиб чиқишида ўсиш гормони кунлик ритмига боғлиқлиги кўрсатилган ва глюкозага толерантлик тести ўтказилганда ўсиш гормонининг камайиши акромегалиянинг фаоллиги ҳамда оқибатининг орасида боғлиқлик борлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

акромегалияли беморлар умрини узайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида яратилган маълумотлар базаси касалликни динамик кузатиш ҳамда асоратларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш имкониятини беради;

акромегалияда мавжуд ташхислаш ва даволаш усулларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолашда, соғлиқни сақлаш тизимининг турли босқичларида ташхислаш қадамлари мукамаллаштирилган;

акромегалиянинг нафас йўллари асоратларини даволаш ва қиёсий ташхислашда Эпворт кундузги уйқучанликни баҳолаш шкаласидан фойдаланиш тавсия этилади;

касалликнинг прогностик агрессивлигини ва ўсма хавфлигини кўрсатувчи Ki 67 маркерини ишлаб чиқилган математик модел ёрдамида операциягача бўлган босқичда иммуногистокимёвий текширувлар ўтказмасдан туриб аниқлаш иқтисодий фойдалилигидан ташқари операциядан кейинги эрта даврда агрессив даво тактикаси қўллаш учун тавсия этилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғри бўлиб қўлланилган усулларнинг замонавийлиги; уларга анкеталар тўлдириш, клиник, эпидемиологик, клиник-биокимёвий, гормонал, инструментал, нейроофтальмологик, иммуногистокимёвий ва статистик методларнинг етарлича беморларда ўтказилган. Олинган маълумотлар замонавий статистик усуллардан ҳисобланган корреляция коэффициенти R, Стьюдентнинг t критерияси, Фишер критерияси, SPSS математик статистик пакет, стандарт хатолик даражаси, детерминация коэффициенти билан ўрганилган ва халқаро ҳамда минтақавий изланиш натижалари билан таққосланган. Акромегалия ва унинг асоратларини эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш ва мониторингини баҳолашдаги хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикасида гипофиз соматотроп аденомаси асоратларининг жинсга, ёшга, гиперсоматропинемия давомийлигига боғлиқ ҳолда учраши ва ўзига хос кечуви, нохуш оқибатга олиб келувчи хавф омилларни аниқланганлиги ҳамда гипофиз соматотроп аденомасини иммуногистокимёвий усули билан Ki 67 ўсма маркери ёрдамида ўсманинг агрессив ўсиши ва оқибатини башорат қилиниши, ишлаб чиқилган математик модел ўсма жараёнининг оқибатини, ўсманинг қайта ўсишини олдини олиш ва турли даво усулларини танлаш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Ki 67 маркерини математик модел ёрдамида баҳолаш операциягача бўлган даврда ўсманинг хавфлилик ва агрессивлик даражасини аниқлаш имкониятини беради. Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти акромегалияли беморларни узоқ вақт олинган натижалар билан мониторинг асосида кузатиш касаллик асоратларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш натижасида беморлар турмуш сифатини яхшилашга ва улар умрининг узайишига қаратилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистон Республикасида акромегалия ва унинг асоратлари ташхиси, даволаш ва кузатуви, касалликни қайта ривожланишининг олдини олиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

«Акромегалияни ташхислаш ва даволаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 9 апрелдаги 8н-р/120-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома

республикамизда акромегалияли беморларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш, беморлар мониторингини олиб бориш, эпидемиологик кўрсаткичларини аниқлаштириш имконини берган;

«Гипофиз соматотроп аденомали касаллар мониторинг йўл харитаси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 9 апрелдаги 8н-р/119-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома акромегалияли беморларнинг мониторингида соғлиқни сақлаш тизимининг турли даволаш ва ташхислаш муассасаларида босқичли ёрдам кўрсатиш орқали имкони берган;

акромегалия ташхислаш ва даволаш алгоритми ва беморлар мониторинг йўл харитаси бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тўрақулов Ё.Х. номидаги РИЭИТМ нейроэндокринология бўлими ва лабораториясига, Бухоро ва Навоий вилоят эндокрин диспансерлари амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 8н-з/190-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши акромегалияли беморлар саломатлигини кузатиш, оғир асоратларни ўз вақтида аниқлаш, касалликдан ўлим ва ногиронлик ҳолатларининг камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур илмий тадқиқот иши натижалари 7 та халқаро ва 4 та республика доирасида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 40 та илмий иш нашр этилган, шулардан 20 таси илмий мақола; Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шундан 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация таркиби ва ҳажми: Диссертация кириш қисм, олтита боб, хотима, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида жаҳон миқёсида акромегалия бўйича олиб борилган тадқиқотлар йўналишлари таҳлили қилинган. Мазкур бобда гипофиз соматотроп аденомасидан ўсиш гормонининг сурункали гиперсекрецияси, касаллик этиопатогенезига оид саволлар кенг ёритиб берилган. Изланиш давомида акромегалия

асоратларининг учраш даражаси, уларнинг ривожланиш патогенези таҳлили қилинган, охириги консенсус тавсияларига мувофиқ ҳолда замонавий ташхислаш ва даволаш усулларига баҳо берилган ва мавжуд натижалар мазкур муаммо ўрганилган замонавий тадқиқот хулосалари билан таққосланган. Касаллик даво оқибатини башорат қилишда ўсма маркёрларининг тутган ўрни, соматотропиномаларни ташхислашга иммуногистохимёвий усулларга доир саволлар ўрганилган. Умуман олганда, биринчи бобда муаллиф томонидан ўз олдига қўйган вазифани ёритиш мақсадида консенсус қўлланмалар маълумотлари таҳлил қилинган ва турли олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари таққослама таҳлили бажарилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида 06.07.2018 да олинган №ВГУ00364 патент асосида янгиланган акромегалияли беморларнинг регистрга асосланган ҳолда текширилган беморлар маълумотлари акс эттирилган, вилоятлар бўйича аҳоли касалланишининг статистик маълумотлари келтирилган. Муаллиф диссертация мавзусига оид мавжуд жаҳон илмий адабиётлар маълумотларига, клиник қўлланмаларга таянган.

Клиник материал характеристикаси. Текширув объекти бўлиб ЎзР Вилоят эндокрин диспансерлари (ВЭД) назоратида турувчи 2006–2019 йиллар давомида Республикада акромегалия беморлар регистр рўйхатига киритилган гипофиз соматотроп аденомали 526 та бемор ҳисобланади, шулардан эркаклар –195 та (37,07%), аёллар – 331 та (62,93%) ни ташкил этади. Барча 526 та бемор кўрилган ва ҳар бирига 28 банддан иборат регистр анкета тўлдирилган. 396 та бемор Тўрақулов Ё.Х. номидаги ЎзР ССВ РИИАЭТ марказида текширувлардан ўтган, 210 та бемор марказ шароитида стационар даво муолажаларини олган.

Касалликнинг аҳоли орасида ёш ва жинсга боғлиқ ҳолда тарқалишини ўрганиш мақсадида беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинди (1-жадвал).

1- жадвал

ЎзР да акромегалия билан оғриган беморларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимоти

Бемор ёши	Жами		Эркаклар		Аёллар	
	Абс	%	Абс	%	Абс	%
24 ёшгача	31	5,89%	18	9,23%	13	3,93%
25-29	35	6,65%	14	7,18%	21	6,34%
30-34	57	10,84%	23	11,79%	34	10,27%
35-39	73	13,88%	22	11,28%	51	15,41%
40-49	137	26,05%	60	30,77%	77	23,26%
50-59	141	26,81%	45	23,08%	96	29,00%
60-69	37	7,03%	9	4,62%	28	8,46%
70 ёш ва юқори	15	2,85%	4	2,05%	11	3,32%
Жами	526	100	195	37,07	331	62,93

Касаллик кечши давомийлиги бўйича барча беморлар учта гуруҳга

ажратилди: касаллик давомийлиги бир неча ойдан 10 йилгача бўлган – 358 та касал (68%); 10–19 йил оралик давомийликда бўлган – 116 та касал (22%); давомийлиги 20 йилдан кўп бўлган – 52 та бемор (19%).

Мавжуд асоратларга қараб ҳам беморлар гуруҳларга ажратилган (Е.Ф.Марова, 1999, J.Wass, 2005, S.Melmed, 2008, 2013).

Тадқиқот усуллари: Барча 526 та беморларда қуйидагилар ўтказилган: умумклиник текширувлар; биокимёвий ва гормонал (гипофиз ва периферик безлар гормонларининг базал миқдори ҳамда ЎГ билан ИЎЎО-1 нинг суткалик ва функционал тестлардан кейинги миқдори аниқланган) текширув; рентгенологик (кўкрак қафаси, умуртқа поғонаси, турк эгари соҳасининг мақсадли рентгенографияси) ва гипоталамо-гипофизар соҳа КТ ёки МРТ си; ички аъзолар ва қалқонсимон безнинг, кичик чанок аъзолари ултратовуш; нейроофтальмологик текширувлар (кўриш ўткирлигини аниқлаш, кўз туби ва кўриш майдони ҳолатини баҳолаш), ЭхоКГ, денситометрия, колоноскопия.

Апноэ синдромини аниқлаш учун *Эворт кундузги уйқучанликни аниқлаш (ESS)* (Murray Johns, 1990й) шкаласидан фойдаланилди – бу саволнома сўнгги халқаро тавсияларга биноан қўлланилиб, инсоннинг кундузги ҳаёт тарзига уйқунинг таъсирини ўрганишга қаратилган бир неча саволлар кетма-кетлигидан иборат (Melmed S., 2013). Тўрақулов Ё.Х. номидаги РИИАЭТ марказида даволанган 29 та акромегалияли беморда Кі 67 ўсма маркери иммуногистохимёвий усул ёрдамида аниқланди. Транссфеноидал аденомэктомия (ТАГ) амалиётидан кейин барча беморларнинг ўсмасидан Кі 67 антигенини иммуногистохимёвий усул ёрдамида аниқлаш учун материал олинди.

Тадқиқот натижасида олинган натижалар Microsoft Excel ва статистика-6. компьютер программалари ёрдамида статистик қайта ишланди. Фарқлар ишончлилиги ($n > 12$) кузатувларда *боғланмаганлик оралигини Вилкоксон методи* ёрдамида, кузатувлар сони кам бўлганида ($n < 12$) *боғланмаганлик оралигини Фишер рандомизирланган компоненти* параметрик мезонлари ёрдамида, аниқлилик *даражаси Фишер-Ирвин мезонлари* асосида баҳоланди. Гуруҳлар орасидаги статистик фарқ $P < 0,05$, Спирмен корреляцион синфлари методлари ёрдамида баҳоланди. Кі 67 маркерининг прогностик даражаси математик модели *SPSS математик статистика* компьютер дастури ёрдамида қаторли ва қаторсиз математик модел билан баҳоланди.

Оладиган давосига қараб беморларни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратилди: хирургик даво (ХД) олувчилар – 176 та, медикаментоз даволанувчилар (МД) – 176 та, нур билан даволанадиган беморлар (НД) – 161 тани ташкил қилди. Қўшимча комбинирланган даво олишига қараб асосий гуруҳлардан қуйидаги гуруҳчалар ажратилди. Фақат хирургик даво олувчи – 79 та бемор (15%); фақат нур терапия олганлар – 24 та бемор (4,6%); фақат медикаментоз даво – 176 та бемор (33,5%); хирургик даво + нур билан даволанган – 38 та бемор (7,2%); хирургик даво + медикаментоз даво – 60 та бемор (11,4%); нур билан даво + медикаментоз даво – 99 та бемор (18,8%) ни ташкил қилди.

Хирургик даво. Мазкур регистрда 177 та беморда оператив муолажа ўтказилган. 2010 йилгача ТАГ амалиётидан 8 таси Санкт-Петербургдаги

Ҳарбий тиббиёт академияси нейрохирургия бўлимида, 9 та беморда амалиёт Москва шаҳридаги Бурденко номидаги илмий тиббиёт марказида ва 13 та беморда Тошкент шаҳридаги Республика шошилич тиббиёт илмий марказида амалга оширилган. 2010 йилдан кейин беморлар асосан Ё.Х.Тўрақулов номидаги ЎзР ССВ РИЭИТ маркази нейрохирургия бўлимида хирургик даво олганлар (147 та беморда).

Нур билан даволаш. Кузатувдаги беморлардан 161 таси нур даво олганлар. Улардан 158 таси гипоталамо-гипофизар соҳага традицион гамма-нур терапияни конвергент усул билан 4–6 ҳафта ичида умумий дозада 5000–6000 рад дозада Республика онкология илмий марказида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар онкология диспансерларида даволанганлар. 3 та бемор Германия ва Ҳиндистондаги марказларида стереотаксик радиохирургия олган.

Медикаментоз даво. Регистрда медикаментоз даво олувчи беморлар 176 тани ташкил этди ва улар дофамин агонист препаратларини қабул қилганлар. Ушбу гуруҳ препаратларидан парлодел, бромэргон, бромкриптин (кунлик дозаси 7,5- 12,5 мг), каберголин (2-3/ г ҳафтасига) қабул қилганлар.

Комбинирланган даво. Оладиган давосига қараб қуйидагича гуруҳларга бўлинган: хирургик даво + нур билан даволанган – 38 та бемор (7,2%); хирургик даво + медикаментоз даво – 60 та бемор (11,4%); нур билан даво + медикаментоз даво – 99 та бемор (18,8%).

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида акромегалия эпидемиологияси (регистр бўйича 12 йиллик маълумотлар таҳлили)**» деб номланган учинчи бобида регистрдан олинган маълумотлар келтирилган. Ушбу регистр 2007 йили биринчи марта яратилган бўлиб беморларни бир маротаба рўйхатга киритиш билан чегараланган. Бугунги кундаги ЎзР акромегалия беморларининг регистри таккомиллаштирилиб янгитдан ишлаб чиқилди ва унга патент олинди. Янги регистр беморларни нафақат рўйхатга олишга, балки узок йиллар давомида кузатув ўтказишга, хар йили янги демографик маълумотлар олишга, касаллик асоратларини эрта ташхислашга ва мониторинг қилиш имкониятини беради. Регистр маълумотлари таҳлил қилинганда 01.01.2019 йил ҳолатига кўра Ўзбекистонда акромегалия билан 526 та бемор (эркаklar – 195 та, 37,07 %; аёллар – 331 та, 62,93 %) рўйхатга олинган. Сўнгги 12 йиллик кўрсаткичлар касаллик сонининг ошганини акс этади (2007 йилга нисбатан 2019 йилда беморлар сони 340 тага ошган). 2007–2018 йилларда янги аниқланган беморлар 186 тани ташкил қилган.

01.01.2019 йилда Ўзбекистонда акромегалия билан касалланиш 100 минг аҳолига нисбатан 1,6 тани ташкил қилган ва мамлакатимизнинг турли вилоятларида турлича кечган (Жиззах ва Қашқадарё вилоятида 100 минг аҳолига 0,7 та тўғри келса, Тошкент шаҳрида 3,7 га тенг). Акромегалия аниқланиши юқори бўлган ҳудудлар – Тошкент шаҳри (3,7), Тошкент вилояти (2,8), Хоразм вилояти (2,6), Навоий вилояти (2,4); аниқланиши паст бўлган ерлар – Жиззах (0,7), Қашқадарё (0,7), Андижон (0,8) ва Сурхондарё (0,8) вилоятлари. Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлиliga кўра, акромегалия билан касалланиш прогнози 1330 тани ташкил этишини

инобатга олса, бугунги кунда 60 % беморларда касаллик ташхисланмаган. 2007 ва 2019 йиллардаги касалланиш кўрсаткичлари таққосланганда, унинг 100 минг аҳолига нисбатан 1,3 дан 1,6 га ошганлиги аниқланган. Акромегалия эркакларга нисбатан аёлларда кўп учрайди ва регистр асосида ўтказилган таҳлил ўн икки йил ичида бу кўрсаткичнинг 1:1,3 дан 1:1,7 га ошганлиги кўрсатади. Акромегалиянинг ёшга боғлиқ ҳолда тарқалишини ўрганилганда, 2018 йилда 40–59 ёш орасида касаллик тарқалиши бўйича энг юқори (52,8%) натижа олинган. 40-49 ёш орасида касалланиш (26%) ва 50-59 ёшда ҳам юқори кўрсаткичда сақланади (26,8%).

ЎзР Давлат Департаменти 2018 йил январь–декабрь маълумотларига кўра 154.7 ўлим қайд қилинган бўлиб, ўлим кўрсаткичи 4,7 промилни ташкил этган. 2018 йил 6 та бемор вафот этган ва акромегалиядан ўлим кўрсаткичи 0,02 промилга тенгдир. Халқаро статистик маълумотлар таҳлил қилинганда, акромегалиядан ўлим асосий популяцияга нисбатан 2 маротаба кўп кузатилган (Lugo G, 2012 йил, Melmed S, 2014 йил) ва бу шуни кўрсатадики, акромегалияли беморларнинг мутахассислар томонидан кузатуви тўла олиб борилмайди ва касалликдан келиб чиққан ўлим сабаби тўла ёритиб берилмайди.

Ўрганиш олиб борилган 526 та бемор касаллик ташхисланиш вақтига қараб, таққослама таҳлил ўтказиш учун, шартли равишда икки гуруҳга бўлинган. 1-гуруҳда касаллик ташхиси 2007 йилга қадар бўлган муддатда (жами 324 та касал, шундан эркаклар –116 та, аёллар – 208 та), 2-гуруҳда 2007–2018 йиллар оралиғида (жами 202 та касал, шундан эркаклар – 79 та, аёллар – 123 та) қўйилган. Иккала гуруҳ клиник ва биокимёвий кўрсаткичлари ўзаро таққосланганида қуйидаги фарқлар аниқланган: беморларнинг биринчи шикоятлари хисобланган бош оғриғи (1-гуруҳда – $92,6 \pm 1,5$ %, 2-гуруҳда – $93,6 \pm 1,7$ %), юз ва кўлларда шиш кузатилиши (1-гуруҳда – $75,9 \pm 2,5$ %, 2 –гуруҳда – $84,7 \pm 2,6$ %), кўл ва оёқлар кўполлашуви (1-гуруҳда – $76,9 \pm 2,5$ %, 2-гуруҳда – $78,2 \pm 2,6$ %), бошқа шикоятлар бўйича эрта ва кечки гуруҳлар орасида деярли фарқ кузатилмаган. РИИАЭТ маркази ва ВЭД мутахассисларининг аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боргани хисобига сўнгги 12 йиллик давр мобайнида беморларнинг умумий амалиёт шифокорларига (УАШ) мурожаати ошиши кузатилган (12,7 % дан 34,4 % га ошган, $p < 0,01$) ҳамда эндокринологга мурожаати (21,9 % дан 36,1 %, $p < 0,01$) кўпайгани аниқланган. Беморларнинг бошқа профил мутахассисларига – гинеколог, невропатолог, нефролог, уролог, окулист, ревматолог ва дантист мурожаати камайган (1-гр. – 76,3 %; 2-гр. – 63,9 %).

Регистр таҳлили ўтказилганда ташхисининг кечикиб қўйилиши 50,9 % беморларда 4-6 йилни ташкил қилган. Акромегалия ташхисининг кечикиб қўйилиши 1-гуруҳда: 52,5 % беморларда 4-6 йилни, 37,9 %да -7-9 йилни, ва 9,6 %-1-3 йилни ташкил қилган. 2-гуруҳда ташхисининг кечикиб қўйилиш даври қисқарган бўлиб, ушбу давр оралиғи 1-3 йил бўлган беморлар сони ошиб (1-гуруҳда 9,6 %, 2-гуруҳда –15,5 %, $p < 0,01$) , 7-9 йилга кечикиб ташхисланиши аксинча, камайган (1-гуруҳда – 37,9%, 2-гуруҳда – 32,7%, $p < 0,05$). Юқорида

келтирилган маълумотлар клиник шифокорлар ва аҳолига яқин бўлган умумий амалиёт шифокорларининг орасида акромегалия касаллиги бўйича билимларини ошириш заруратини кўрсатади, шу йўл билан касалликнинг кечикиб ташхисланиши ва нохуш оқибатларининг олдини олиш мумкин.

12 йил давомида касаллик асоратларининг учраш даражаси ўрганилган, унга кўра 1-гуруҳда юқори сонда артериал гипертензия (АГ)(1гр. – 68,2±2,6 %, 2-гр. – 45,1±3,5 %, $p<0,001$), қандли диабет (ҚД) (1гр. – 34,6±2,9 %, 2-гр. – 20,8±2,9 %, $p<0,001$), кардиомиопатия (1-гр. – 69,4±2,6 %, 2-гр. – 43,6±3,5 %, $p<0,001$), ЮИК(1гр. – 45,7±2,8 %, 2-гр. – 22,8±3 %, $p<0,001$), гипогонадизм (1-гр. – 45,7±2,8 %, 2-гр. – 27,2±3,1 %, $p<0,001$), гипопитуитаризм (1-гр. – 60,8±2,7%, 2-гр. – 30,2±3,2 %, $p<0,001$), остеопороз (1-гр. – 62,7±2,8 %, 2-гр. – 49,1±3,1 %, $p<0,001$) ва ўсмалар (1-гр. – 39,8±2,7 %, 2-гр. – 13,9±2,4 %, $p<0,001$) аниқланган. 2-гуруҳда энцефалопатия (1-гр. – 44,4±2,8 %, 2-гр. – 55,3±3,5 %, $p<0,01$) ва глюкозага толерантлик бузилиши (1-гр. – 25,0±2,4 %, 2-гр. – 27,7±3,1 %, $p<0,001$) 1-гуруҳга нисбатан юқорилиги аниқланган.

Бу бобда акромегалияли беморларда замонавий ташхислаш ва даволаш усулларининг қўлланилганлик даражаси баҳоланган. Аввалги олиб борилган тадқиқот ишида (Холикова А.О., 2007г) КТ/МРТ текширув усули ўтказиш имкониятининг камлиги ва қиммат нарҳда эканлиги сабабли атиги 58,8% беморлар бу текширувдан ўтган. Бугунги кунда ҳукуматимизнинг тиббиёт соҳасига қаратилган сайл-ҳаракатлари сабабли, мамлакатимизнинг барча вилоятларида МРТ/КТ текширувлари мавжудлиги ҳисобига 2-гуруҳдаги барча (100%) беморларни кузатув давомида йилига 2 маротаба МРТ қилинади. Бу эса соматотропиномани эрта микроаденома даврида ташхислаш имконини беради. 1-гуруҳда микроаденома 1,5 % ҳолларда аниқланган бўлса, 2- гуруҳда 1,5 баробарга ошган ва 4,7% ($p<0,01$) ни ташкил қилган. Макроаденомалар иккала гуруҳ орасида ҳам юқори частотада (38,4 % ва 47,8 %) учраган, гигант аденомаларнинг 2-гуруҳда камайиши кузатилган (21,3 % дан 16,6 % га, $p<0,05$) ва мезоаденома босқичида аниқланиши 4,9 % дан 12,9 % га ошган. Касаллик давомийлиги 1-гуруҳда узоқ кечганлиги сабабли, уларда иккиламчи бўш турк эгари синдроми кўп кузатилган (20,9% ва 3,6%) ва бу касалликнинг ўн йилдан узоқ давомийликда кечиби ҳамда беморларнинг нур терапия олганлиги билан боғлиқ.

Акромегалияни асосий диагностик маркерларлардан – ЎГ ва ИЎЎО-1 миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, юқори миқдордаги ЎГ (42,6±3,4 mUI/l) ва ИЎЎО-1 (726,4±29 ng/ml) гипофиз гигант аденомасига хос бўлган, ундан кейин ЎГ (29,9±1,8 mUI/l) ва ИЎЎО-1 (585,6±15,8ng/ml) макроаденома ҳамда мезоаденомаларга ЎГ (27,4±3,3mUI/l) ва ИЎЎО-1(536,4±31,4ng/ml) аниқланган. Микроаденомаларда юқоридагиларга нисбатан паст гормонал кўрсаткичлар аниқланган (ЎГ –18,1±4,5 mUI/l и ИЎЎО-1 – 480,0±45,3 ng/ml). Макроаденома, гигант ўсмалар билан ЎГ орасида тўғри корреляцион боғланиш аниқланди ва ЎГ ($r=0,36$, $p<0,01$ и $r=0,24$, $p<0,05$), ИЎЎО-1 ($r=0,35$, $p<0,01$ и $r=0,21$, $p<0,05$) ташкил қилган. Бу ҳолатларда ЎГ миқдори (49,72±5,6 mUI/l, эркаларда – 43,06±4,3 mUI/l) ва ИЎЎО-1 (эркаларда – 665,12±32,5 ng/ml, аёлларда – 849,52±43,8 ng/ml)миқдори аёлларда эркаларга нисбатан

юқори бўлган.

Маълумки, ЎГ ни миқдорининг ёшга мос равишда ўзгариш вариацияси мавжуд бўлиб, ёш ошиб бориши билан ЎГ пасаяди. Бу боғлиқлик бизнинг тадқиқотимизда бошқача кўринишга эга бўлди, яъни касалликнинг юқори фаоллиги (ЎГ – $52,21 \pm 8,6 \text{ mUI/l}$, ИЎЎО-1- $977,7 \pm 54,1 \text{ ng/ml}$) 30–49 ёш оралиғига тўғри келиб, шу ёш оралиғида касаллик юқори частотада тарқалиши билан мос келган.

Сўнгги 12 йиллик давр мобайнидаги замонавий даволаш усуллари таққосланганида, 2007 йилга қадар даволашда етакчи ўринни медикаментоз дофамин агонистлари билан монотерапия (45 %) ва нур терапия (30 %) эгаллаб, ТАГ атиги 8,8 % беморларда ўтказилган. 2018 йилга келиб ситуацион ҳолат яхшилانган ва юқори технологияли даволаш усулларни қўллаш 32,7 % беморда тадбиқ қилинган, нур билан ва медикаментоз даволаш мос равишда – (24,3 %) ва (33,5 %) гача камайган, оператив даво олганлар сони ошган (8,8 % дан 32,7 % гача, 4 баробар ошган). Замонавий хирургик даволаш усуллариининг жорий этилиши Ўзбекистонда акромегалиянининг оқибатини яхшилашга қаратилган улкан қадам бўлиб, унинг жорий қилиниши акромегалиянинг асоратланган шакллариининг камайишига олиб келади.

Даво турига қараб ЎГ ва ИЎЎО-1 миқдори кўра даво самардорлиги баҳоланди (2-жадвал).

2-жадвал

Акромегалия беморларда даво турига қараб ЎГ ва ИЎЎО-1 миқдори

Гуруҳлар	ЎГ нинг базал миқдори (mUI/l)	ИЎЎО-1 миқдори (ng/ml)
Медикаментоз (n=176)	$47,3 \pm 2^{***}$	$745 \pm 15,8^{***}$
Нур терапия (n=24)	$8,64 \pm 1,81^{***}$	$440,7 \pm 16,7^{***}$
Хирургик даво (n=79)	$6,5 \pm 0,7^*$	$407,9 \pm 14,8^{**}$
Комбинирланган (хир.+нур.) (n=38)	$4,19 \pm 0,8^*$	$368,2 \pm 23,9^*$
Комбинирланган (хир.+мед.) (n=60)	$5,7 \pm 0,5$	$324,4 \pm 18,2^*$
Комбинирланган (нур.+мед.) (n=99)	$5,9 \pm 1,1$	$409,2 \pm 20,4^{**}$
Назорат гуруҳи (n=20)	$5,4 \pm 1,9$	$221,6 \pm 57,1$

Изоҳ: * $p < 0,05$; ** $p < 0,01$; *** $p < 0,001$

Жадвалдан акс этишига кўра, юқори миқдорда ЎГ медикаментоз даволанувчи беморларда аниқланган (ЎГ – $47,3 \pm 2 \text{ mUI/l}$, $p < 0,001$; ва ИЎЎО-1 – $745 \pm 15,8 \text{ ng/ml}$, $p < 0,001$). Нур терапия билан даволанувчиларда ЎГ нормал кўрсаткичларгача ($8,64 \pm 1,81 \text{ mUI/l}$, $p < 0,001$) камайган, лекин назорат гуруҳига таққосланганда, нисбатан баландлигича сақланган. Хирургик даводан кейин бир йил ичида ЎГ миқдори ишончли равишда камайган – $6,5 \pm 0,7 \text{ mUI/l}$, $p < 0,001$), бўлишига қарамасдан ИЎЎО-1 миқдори ($407,9 \pm 14,8 \text{ ng/ml}$, $p < 0,001$) персистирланган юқори ҳолатда сақланган. Даволашнинг яқин (6 ой) ва узок келажақда (10 йил) самардорлиги 3-жадвалда тасвирланган.

3-жадвал

Давонинг яқин келажакдаги гормонал фаолликка кўра баҳолаш

Гормонал кўрсаткичлар	Давогача	6 ойдан кейин
Оператив даво, n=177		
ЎГ нининг базал миқдори, mUI/l	41,5±8,7	9,5±0,7***
ИЎЎО-1 миқдори, ng/ml	620,9±24,8	490,9±14,8***
Клиник фаоллик, %	100	56,5
Нур билан даволаш, n=137		
ЎГ нининг базал миқдори, mUI/l	56,8±9,1	43,4±1,8**
ИЎЎО-1 миқдори, ng/ml	644,5±18,8	582,5±19,3*
Клиник фаоллик, %	100	87,6
Медикаментоз терапия, n=196		
ЎГ нининг базал миқдори, mUI/l	61,4±8,9	55,2±5,3
ИЎЎО-1 миқдори, ng/ml	672,2±21,5	596,7±11,5
Клиник фаоллик, %	100	100

Изох: *-p<0,05; **-p<0,014; *** p<0,001.

3-жадвалдан кузатиш мумкинки, 56,5 % беморларда операциядан 6 ойдан кейин касаллик клиник фаоллиги (кўл, оёқ ва юздаги шишлар, кафт ва панжалар ўсиши) камайган. ЎГ миқдори даражаси ишончли камайган (41,5±8,7 mUI/l дан 9,5±0,7mUI/l гача, p<0,001) ҳамда ИЎЎО-1 миқдори ҳам ишончли камайган (620,9±24,8 ng/ml дан 490,9±14,8 ng/ml гача, p<0,001). Кузатилган 177 та беморлардан 17 тасида (9,8 %) операциядан кейинги 1-2 йил ичида рецидив ривожланган ва такрор қайта операция амалиёти бажарилган. 38 та беморда (7,2 %) ўсманинг инвазив ўсиши кузатилиб, улар нур даво олганлар; 60 та бемор (11,4 %) фақат медикаментоз даволанганлиги сабабли, касалликнинг тўлиқ ремиссиясига эришилмаган.

Халқаро тавсияларга таянган ҳолда даволашнинг узоқ муддатдаги самарадорлиги мазкур тадқиқот давомида баҳоланди (Katznelson L., 2014г) (4-жадвал).

4-жадвал

Узоқ давомийликда даво самардорлигини баҳолаш (10 йил)

Ремиссия мезонлари	Хир, % n=20	Хир+нур, % n=20	Хир_мед, % n=20	Нур,% n=20	Нур+_мед,% n=20	Мед(%) n=20
Клиник фаолликни кўрсатучи клиник белгиларнинг йўқлиги	100	100	100	95	100	10
Базал ЎГ ≤ 2,5 нг/мл	85	100 *	100	85	100 *	0
ГТБТ фониди ЎГ <1 нг / мл минимал миқдори	70	90*	90*	65	95**	0
Нормал ИЎЎО-1, ng/ml	55	80 **	90**	65	95 **	0
Гипопитуитаризм ривожланиши	20	80***	15***	95	80*	80

Изох: *-p<0,05; **-p<0,014; *** p<0,001.

Хирургик даводан кейин узоқ муддатли давомийликда 55 % ҳолатда

ремиссияга эришилган, унга қўшимча нур даволаш қўлланилганида ремиссиянинг 80 % гача ошишига олиб келган, лекин бу вазиятда 80 % беморларда гипопитуитаризм ривожланган (**p<0,001). Операциядан кейин беморларга медикаментоз даво тавсия қилинганида 90 % беморларда (**p<0,001) ремиссияга эришилган, жумладан соматостатин (соматулин) билан дофамин агонистлари бирга қўлланилганида тўла ремиссияга эришиш мумкин.

Диссертациянинг «**Акромегалиянинг асоратлари эпидемиологияси ва уларнинг кечувини оғирлаштирадиган хавф омиллари**» деб номланган тўртинчи бобда Республикада асоратлар учраш даражаси, уларнинг жинс ва бемор ёши, касаллик давомийлиги ва қўлланилаётган даво усули орасидаги боғлиқлик ўрганилган.

Текширув натижаларида ЎзРда акромегалияли беморлар орасида эндокрин-метаболик (ЭМА) (94,5 %) ва таянч ҳаракат тизими асоратлари (ТХТА) (82,9 %) етакчи ўринни эгаллаган, 66,3 % беморлар юрак-қон томир асоратларидан (ЮҚТА) азият чекишлари аниқланди. Деярли ҳар учта бемордан биттасида респиратор асоратлар (РА) (34,9 %) ва ўсмалар (34,4 %) аниқланган. Умумлаштириб айтиш мумкинки, ЎзР акромегалиянинг асоратланган шакллари юқорилиги аниқланган.

Асоратларни гендер фарқланиши ўрганилганида, эркакларда ЮҚТА (66,5 %, p<0,01) ва РА (41,8 %, p<0,01), аёллар орасида – турли неоплазиялар (34,1 %, p<0,001) ва ТХТА (82,5 %, p<0,01) учраши кўп қайд қилинган. Корреляцион боғлиқлик ўрганилганида, эркак жинси билан РА орасида (r=0,1, p<0,05), аёл жинси билан неоплазиялар орасида тўғри корреляция мавжудлигини аниқланган (r=0,15, p<0,05).

Бемор ёшига қараб асоратлар ривожланиши ўрганилганида, 30 ёшгача бўлган ёшдаги беморларда барча асоратлар нисбатан кам учраши аниқланди. Бемор ёши катталаниши билан асоратлар учрашиши ҳам ошади ва энг кўп миқдорда 50 ёшдан ошган беморларда аниқланган. Бунда, гуруҳлар ўртасида ишончли фарқ ўрнатилган: ЮҚТА (1-гр. – 30,3±5,7 %, 2-гр. – 64,7%±2,9, p<0,001, 3-гр. – 80,8±2,8 %, p<0,001), РА (1-гр. – 16,9±4,7 %, 2-гр. – 28,9±2,8 %, p<0,05, 3-гр. – 49,2±3,6 %, p<0,001) ва неоплазиялар (1-гр. – 9,1±3,6 %, 2-гр. – 22,2±2,6 %, p<0,01, 3-гр. – 44,6±1,1 %, p<0,001). ЭМА (1-гр. – 93,3±4,6 %, 2-гр. – 95,1±2,6 %, p<0,001, 3-гр. – 97,4±3,6 %, p<0,001) ва ТХТА (1-гр. – 72,7±5,5 %, 2-гр. – 82,7±2,3%, p<0,05, 3-гр. – 86,5±2,5%, p<0,01) барча гуруҳларда юқори учраши кузатилган бўлсада, ёшга нисбатан ошиб бориши кузатилади.

Акромегалия касаллиги давомийлиги билан боғлиқ асоратлар ривожланишини таққослама ўрганиш учун беморларни куйидаги 3 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳда касаллик давомийлиги 1 йилдан 9 йилгача, 2-гуруҳда 10-19 йил, 3-гуруҳда 20 йил ва ундан кўпроқ. Биринчи гуруҳда ЭМА (93±1,4 %) ва ТХТА (84,9±1,9 %) юқорилиги аниқланган. Касаллик давомийлиги ортиши билан асоратлари учраши ҳам параллел ошиши кузатилди ва 1-чи ва 2-чи гуруҳларда ЮҚТА (1-гр. – 56,3±2,6 %, 2-гр. – 87,1±3,1 %, p<0,001, 3-гр. – 88,5±4,5 %, p<0,001), РА (1-гр. – 32±2,5 %, 2-гр. – 41,4±4,6 %, p<0,05, 3-гр. – 40,4±6,9 %) ва неоплазиялар (1-гр. – 19±2,1 %, 2-гр. – 43,1±4,6 %, p<0,001, 3-гр. – 63,5±3,3%, p<0,001) ошиб

борган.

Қўлланилган даво усули самарадорлигини баҳолаш учун, турли усуллар билан даволанган беморларда асоратлар учраши ўрганилди. Олинган натижаларга кўра оператив даволанган беморларда бошқа даволаш усулларига нибатан асоратлар ишончли кам кузатилган. Оператив даволанган беморларда ЮҚТА (37,3 %, $p < 0,001$), РА (5,6 %, $p < 0,001$) ва неоплазиялар (7 %, $p < 0,001$) кузатилди. Нур терапия олган беморларда энг юқори ЮҚТА 86,2 % ($p < 0,05$) ва ЭМА (99,2 %) ташкил этган; медикаментоз даволанаётганларда бошқа гуруҳларга қараганда, барча асоратлар кўп аниқланган, масалан: РА (64,8 %, $p < 0,001$) ва ТХТА (97,2 %, $p < 0,001$), ЭМА (96,6 %) ва ЮҚТА (78,4 %). Медикаментоз ва нур билан монотерапия олувчиларда ўсма ҳосилалари кўп кузатилган (41,5 %).

Диссертациянинг «**Акромегалия юрак-қон томир асоратлари ривожланишининг нейрогормонал асослари**» деб номланган бешинчи бобида асоратларлар ривожланишида ЎГ нинг ритмик секрецияси ва ГТБТда фониди унинг пасайишининг таъсири ўрганилган. Бундан ташқари эндокрин узгаришларнинг асоратлар ривожланишидаги ўрни ҳам ўрганилган. Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва ўлим орасида тўғри корреляцион боғланиш аниқланганлини ($r = 0,09$, $p < 0,05$) ва ушбу асоратлар кенг тарқалганлигини ҳисобга олиб, ЮҚТА мисолида юқоридаги параметрларни баҳоладик. Акромегалияли касалларда нейроэндокрин ҳолатни ва ЎГ нинг секретор ритмини ўрганишда беморлар икки гуруҳга ажратилди ва соғлом назорат гуруҳи билан солиштирилди: 1-гур. – ЮҚТА кузатилган 20 та бемор; 2-гур. – ЮҚТА кузатилмаган 20 та бемор; соғлом назорат гуруҳи (15 одамлар орасида).

